

“Ангрен логистика маркази” АЖ
кузатув кенгашининг 1-сонли йиғилиши баёни

Ўтказиш санаси: 2023 йил 1 июнь.

Ўтказиш жойи: Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Ипак йўли кўчаси, 1-уй.
“Ангрен логистика маркази” АЖнинг маъмурий биноси.

Ўтказиш вақти: Соат 11:00 да.

Йиғилишида иштирок этган кузатув кенгаши аъзолари:

1	Синдаров Жамшид Нуриддинович	Кузатув кенгаши раиси
2	Тугизбаев Аъзам Абдураимович	Кузатув кенгаши аъзоси
3	Хайдаров Алишер Юсуфжонович	Кузатув кенгаши аъзоси
4	Жуланов Камол Жуланович	Кузатув кенгаши аъзоси
5	Мирзаев Зафар Захирович	Кузатув кенгаши аъзоси

Йиғилишга таклиф қилинганлар:

1.	Б.Абдураимов	“Ангрен логистика маркази” АЖ Бош директори
2.	З.Холжуманова	“Ангрен логистика маркази” АЖ бош бухгалтери
3.	А.Саъдуллаев	“ABS FINANS AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти директори
4.	С.Нуртаев	“Ангрен логистика маркази” АЖ ички аудитори

Йиғилишда кузатув кенгаши аъзоларини 5 нафар аъзосидан 5 нафари, 100% иштирок этаётганлиги сабабли йиғилишни ўтказиш учун етарли кворум мавжуд. Йиғилиш очик деб эълон қилинди.

Кузатув кенгашининг навбатдаги йиғилиши кун тартиби:

1.	“Ангрен логистика маркази” АЖ ижро органининг 2022 йилги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.
2	“Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2022 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича аудиторлик ташкилотининг хулосасини тасдиқлаш тўғрисида.
3	“Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2022 йил учун йиллик молиявий аҳволи тўғрисидаги ҳисоботни, жамиятнинг фойда ва зарарини, бухгалтерия балансини тасдиқлаш тўғрисида.
4	“Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2022 йил учун соф фойдасини тақсимлаш тўғрисида.
5	2022 йил учун корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари ва корпоратив бошқарув кодекси талаблари ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш тўғрисида.
6	Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ мажбурий аудит текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларини молиялаштириш миқдорини белгилаш тўғрисида.

7	“Ангрен логистика маркази” АЖ ички аудит хизмати тўғрисида”ги низомини тасдиқлаш тўғрисида.
8	“Ангрен логистика маркази” АЖ ички аудит хизматининг 2023 йил учун иш режаси ва харажатлар сметасини тасдиқлаш тўғрисида.
9.	“Ангрен логистика маркази” АЖ ижро органининг 2023 йил биринчи чоракдаги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.
10.	“Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2023 йилги бизнес-режасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.
11.	“Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш тўғрисида.
12.	“Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини кун тартибини тайёрлаш тўғрисида.
13.	“Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш ва умумий йиғилишда иштирок этувчи акциядорлар реестрини ёпилиш санасини белгилаш тўғрисида.
14.	“Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида акциядорларни хабардор қилиш ва уларга тарқатиладиган ҳужжатлар тўпламини тасдиқлаш тўғрисида.
15.	“Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида овоз бериш бюллетенларини шакли ва матнларини тасдиқлаш тўғрисида.
16	“Ангрен логистика маркази” АЖ санок комиссиясини тасдиқлаш тўғрисида.

1. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ ижро органининг 2022 йилги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида”ги биринчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, йиғилиш иштирокчиларига “Ангрен логистика маркази” АЖ ижро органининг 2022 йилги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича ҳисоботини ўқиб эшиттирди (Ҳисобот илова қилинади).

■ Масала кўриб чиқиб овозга кўйилди.

Розилар – 4

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – 1

2. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2022 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича аудиторлик ташкилотининг хулосасини тасдиқлаш тўғрисида”ги иккинчи масала юзасидан А.Саъдуллаев сўзга чиқиб, “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2022 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича аудиторлик ташкилотининг хулосаси билан таништирди (Хулоса илова қилинади).

Аудиторлик текшируви натижалари бўйича “Ангрен логистика маркази” АЖнинг молиявий ҳисоботида унинг молиявий ҳолати ва молиявий-хўжалик амалиётлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига ва Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мос келиши тўғрисида аудиторлик хулосаси берилган.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 4

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – 1

3. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2022 йил учун йиллик молиявий аҳволи тўғрисидаги ҳисоботни, жамиятнинг фойда ва зарарини, бухгалтерия балансини тасдиқлаш тўғрисида”ги учинчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2022 йил учун йиллик молиявий аҳволи тўғрисидаги ҳисобот билан таништирди (Ҳисобот илова қилинади).

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 4

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – 1

4. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2022 йил учун соф фойдасини тақсимлаш тўғрисида”ги тўртинчи масала юзасидан З.Холжуманова сўзга чиқиб, “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2022 йил якунлари бўйича зарари 181 372 минг сўмни ташкил қилганлигини маълум қилди.

Абдураимов, 2022 йил 30 июнь куни ўтказилган “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши қарори билан “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2021 йил якунлари бўйича соф фойдаси 171 877 минг сўмни ташкил қилганлигини ва олинган соф фойда “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 мартдаги ПҚ–178-сонли қарорини инобатга олган ҳолда қуйидагича тақсимланганлигини маълум қилди:

- соф фойданинг 5 фоизини ташкил қилган 8 593,85 минг сўми “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 32-моддасига асосан жамиятнинг захира фондига ўтказилган;

- соф фойданинг 20 фоизини ташкил қилган 34 375,40 минг сўми жамиятни ривожлантириш учун йўналтирилган;

- соф фойданинг 75 фоизини ташкил қилган 128 907,75 минг сўми жамиятни акциядорларига дивиденд сифатида тўланган.

“Ангрен логистика маркази” АЖнинг таъсисчилигида таъсис этилган “Махсусюктранс” МЧЖни 2021 йил учун соф фойдаси 443 155 минг сўмни ташкил қилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 26 августдаги 204-сонли хизматда фойдаланиш учун тасдиқланган баёнининг “Давлат улуши устун мавқега эга бўлган айрим корхоналар рўйхати ва улар томонидан 2021 йил якуни бўйича соф фойдасидан давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган дивидендлар (ажратмалар) миқдори” деб номланган 2-иловасининг 18-бандида “Ангрен логистика маркази” АЖ 2021 йил соф фойдасидан тўланиши лозим бўлган дивиденд (5% солиғи билан бирга) 390,9 миллион сўм, шундан ташкил этилган корхоналар ҳисобидан, яъни “Махсусюктранс” МЧЖ ҳисобидан 263,2 миллион сўми 2022 йилнинг август – ноябрь ойларида тасдиқланган жадвал асосида тўлаш муддатлари белгиланган.

Тошкент вилояти давлат солиқ бошқармаси 2022 йил 16 сентябрь куни 19171583-сонли “Солиқ қарзини узиш тўғрисида”ги электрон талабнома билан мурожаат қилиб, унда давлат улушлари бўйича давлат унитар корхоналарининг соф ажратмаларидан Солиқ кодексида белгиланган муддатларда солиқлар (йиғимлари) тўлиқ тўланмаганлиги натижасида 118 358 584,3 сўм миқдорда қарздорлик суммаси вужудга келганлиги ва солиқ қарздорлигини сўндириш чораси кўрилмаса солиқ қарздорлиги жамиятни мол-мулкига қаратилиши маълум қилган.

“Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2022 йил 27 сентябрдаги “Махсусюктранс” МЧЖнинг 2021 йилда олган соф фойдасидан дивиденд ажратиш тўғрисида”ги 29-сонли буйруғига асосан “Махсусюктранс” МЧЖни 2021 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича 443 155 минг сўм соф фойдаси қуйидагича тақсимланган:

- соф фойданинг 5 фоизини ташкил қилган 22 157,75 минг сўмлик қисмини “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 27-моддасига асосан жамиятни захира фондига ўтказиш;

- соф фойданинг 20 фоизини ташкил қилган 88 631 минг сўмлик қисмини жамиятни ривожлантириш учун йўналтириш;

- соф фойданинг 75 фоизини ташкил қилган 332 366,25 минг сўми жамиятнинг ягона таъсисчиси “Ангрен логистика маркази” АЖга дивиденд тўлаш учун ажратиш.

“Ангрен логистика маркази” АЖ 2022 йил 29 ноябрь куни LC/227-сонли хат билан “Ангрен логистика маркази” АЖнинг ягона акциядори Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига жамият кузатув кенгашининг 2022 йил 29 ноябрдаги 3-сонли баёнини илова қилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 26 августдаги 204-сонли хизматда фойдаланиш учун тасдиқланган баёнининг “Давлат улуши устун мавқега эга бўлган айрим корхоналар рўйхати ва улар томонидан 2021 йил якуни бўйича соф фойдасидан давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган дивидендлар (ажратмалар) миқдори” деб номланган 2-иловаси талабларини бажариш мақсадида “Ангрен логистика маркази” АЖ таъсисчилигида ташкил этилган “Махсусюктранс” МЧЖни 2021 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича олган 443 155 минг сўм соф фойдасидан “Ангрен логистика маркази” АЖга, яъни жамият соф фойдасини 75 фоизини ташкил қилган 332 366,25 минг сўмидан 5 фоиз дивиденд солиғини чегириб, ажратган 315 747,94 минг сўм соф фойдани қуйидагича тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш учун мурожаат қилган:

- соф фойданинг 5 фоизини ташкил қилган 15 787 396,85 сўмлик қисмини “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 32-моддасига асосан жамиятнинг захира фондига ўтказиш;

- соф фойданинг 11,7 фоизини ташкил қилган 36 726 470,15 сўмлик қисмини жамиятни ривожлантириш учун йўналтириш;

- соф фойданинг 83,3 фоизини ташкил қилган 263 234 070 минг сўми давлат улуши бўйича дивидендга йўналтириш учун ажратиш тўғрисида киритилганлигини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги 2023 йил 19 январь куни 03/07-1-13/244-сонли хат билан Ўзбекистон Республикаси

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва унинг хузуридаги Солиқ кўмитасига “Ангрен логистика маркази” АЖ томонидан кўрсатиладиган хизматларга талаб камайганлиги муносабати билан унинг молиявий аҳволи ёмонлашганлигини инобатга олиб, 2022 йил “Ангрен логистика маркази” АЖ томонидан “Махсуюктранс” МЧЖдан олинган дивидендидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 26 августдаги 204-сонли хизматда фойдаланиш учун тасдиқланган баёнининг “Давлат улуши устун мавқега эга бўлган айрим корхоналар рўйхати ва улар томонидан 2021 йил якуни бўйича соф фойдасидан давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган дивидендлар (ажратмалар) миқдори” деб номланган 2-иловаси талабларини бажариш мақсадида давлат улуши бўйича дивидендга ундирилган 263 234 070 минг сўми “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2023 йилги олган соф даромадидан давлат бюджетига аванс тўлов сифатида қабул қилиш масаласини кўриб чиқиш сўралган. Ушбу мурожаат Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан эътиборсиз қолдирилган.

Шунингдек, Тошкент вилояти давлат солиқ бошқармаси томонидан “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2021 йил олган 171 877 минг сўм соф даромадидан тааллуқлилиги бўйича “Ўзавтасаноат” АЖ (44,17% акция) ва “Нефтегаздепозит” МЧЖ (0,48% акция)га тўланган дивидендларни инобатга олинмасдан 2022 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида давлат улушлари бўйича давлат унитар корхоналарининг соф фойдасидан ажратмалар(165-код)га ва дивиденд тариқасида олинган даромадлар(35-код)га жами 41 627 193,14 сўм кўшимча давлат улуши бўйича дивиденд ундирилган.

2022 йил 25 август куни “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида “Ангрен логистика маркази” АЖ таъсисчилигида ташкил этилган “Махсуюктранс” МЧЖни жамиятга қўшиб олиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

“Ангрен логистика маркази” АЖ 2022 йил 1 январдан бошлаб 2022 йил 1 ноябрга қадар айланма солиқ тўловчиси бўлган. Ихтиёрий равишда қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлиб фаолият кўрсатган. Балансида ер майдони ва солиққа тортиладиган бошқа мол-мулки бўлмаган. Шу муносабат билан “Ангрен логистика маркази” АЖ томонидан 2022 йил учун ер ва мол-мулк солиғи ҳисоботи тақдим этмаган.

2022 йил 11 ноябрь куни Тошкент вилояти давлат солиқ бошқармаси 15-115712-сонли хат билан “Махсуюктранс” МЧЖга Ангрен шаҳар давлат солиқ инспекцияси маълумотлар базасидаги шахсий ҳисобварақасида 2022 йил 1 ноябрь ҳолатига тегишли бўлган солиқ турлари бўйича белгиланган тартибда шахсий ҳисобварақаларидаги мавжуд қолдиқ қиймати суммаси Ангрен шаҳар давлат солиқ инспекциясидан солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтган “Ангрен логистика маркази” АЖнинг шахсий ҳисобварақасига ўтказилганлиги маълум қилинган.

2022 йил 5 декабрь куни Тошкент вилояти давлат солиқ бошқармаси 19/1-127533-сонли хат билан “Ангрен логистика маркази” АЖга 2022 йилнинг 31 октябрь кунидаги “Махсуюктранс” МЧЖнинг 1608369-2022-сонли “Махсуюктранс” МЧЖни “Ангрен логистика маркази” АЖга қўшилиши тўғрисида берган мурожаат хатига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ хизмати маълумотлар базасида тегишли ўзгартишлар киритилганлиги, “Махсуюктранс” МЧЖнинг барча юзага келадиган мажбурият ва вазифалари “Ангрен логистика маркази” АЖга юклатилганлиги маълум қилинган.

2022 йил 15 декабрь куни Ангрен шаҳар Давлат хизматлари маркази томонидан “Ангрен логистика маркази” АЖга “Махсусюктранс” МЧЖни кўшиб олинганлиги муносабати билан “Махсусюктранс” МЧЖни тугатилганлиги, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқий вориси “Ангрен логистика маркази” АЖга ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома берилган.

2022 йил 19 декабрь куни “Ангрен логистика маркази” АЖга Ангрен шаҳар Давлат хизматлари маркази томонидан “Махсусюктранс” МЧЖдан қабул қилиб олинган Контейнер майдони учун 17274407/1886963-рақамли, Автокорхона учун UK-17274407/1886964-рақамли Нотурар жой тоифасидаги кўчмас мулк объектнинг кадастр паспортлари берилган.

2022 йил 30 декабрь куни Автокорхона учун 17274407/R-A3423421-рақамли, Контейнер майдони учун 17274407/R-A3423422-рақамли Кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказилиб, давлат реестридан кўчирма олинган.

“Ангрен логистика маркази” АЖ томонидан Солиқ кўмитаси мутахассислари билан бирга мол-мулк солиғидан қарздорлик текширилганида қуйидагилар аниқланган:

1. “Ангрен логистика маркази” АЖга кўшиб олинган “Махсусюктранс” МЧЖ (ИНН: 300759193) 2022 йил 1 январь ҳолатига қўшилган қиймат солиқ тўловчиси бўлган. 2022 йил 17 январь куни Тошкент вилояти Охонгарон тумани давлат солиқ инспекциясига 2022 йиллик юридик шахсларнинг мол-мулкига солиқ бўйича бўнақ тўловларини ҳисоблаш бўйича тақдим этилган ҳисоботини чораклар кесимида нотўғри топширган ва ушбу ҳисобот 127924584 рақам билан рўйхатга олинган. Ҳисоботда бир йил учун 445 985 942,67 сўм, ҳар чоракда 111 496 485,67 сўмдан тўлов амалга оширилиши белгиланган.

2. “Ангрен логистика маркази” АЖга кўшиб олинган “Махсусюктранс” МЧЖ (ИНН: 300759193) қўшилган қиймат солиқ тўловчиси бўлганлиги учун 2022 йил 13 сентябрь куни Тошкент вилояти Ангрен шаҳар давлат солиқ инспекциясига 2022 йиллик юридик шахсларнинг мол-мулкига солиқ бўйича бўнақ тўловларини ҳисоблаш бўйича тақдим этилган ҳисоботини ойлик кесимида қайтадан топширган ва рўйхатга олинган. Ҳисоботда бир йил учун 362 969 612,50 сўм, январь – май ойлари учун ҳар ойда 53 525 800,00 сўмдан, июнь – декабрь ойлари учун ҳар ойда 13 620 087,50 сўмдан тўлов амалга оширилиши белгиланган.

3. “Ангрен логистика маркази” АЖга кўшиб олинган “Махсусюктранс” МЧЖ (ИНН: 300759193) қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлганлиги учун 2022 йил 17 январь куни Тошкент вилояти Охонгарон тумани давлат солиқ инспекциясига 2022 йиллик юридик шахсларнинг мол-мулкига солиқ бўйича бўнақ тўловларини ҳисоблаш бўйича тақдим этилган ҳисоботини чораклар кесимида нотўғри топширганлиги муносабати билан “Махсусюктранс” МЧЖ бир вақтнинг ўзида икки турдаги солиқ тўловчи (айланмадан солиқ тўловчи ва айланмадан солиқ тўловчилар ҳисобланмайдиган солиқ тўловчи) юридик шахс бўлиб қолган.

2022 йил учун мол-мулк солиғи “Махсусюктранс” МЧЖнинг шахсий ҳисобварақасида 2022 йил 17 январь кунидаги Тошкент вилояти Охонгарон тумани давлат солиқ инспекциясига ва 2022 йил 13 сентябрь кунидаги Тошкент вилояти Ангрен шаҳар давлат солиқ инспекциясига топширган 2022 йиллик юридик шахсларнинг мол-мулкига солиқ бўйича бўнақ тўловларини ҳисоблаш бўйича тақдим этилган ҳисоботлар асосида иккала топширилган ҳисоботни кўшиб нотўғри ҳисобга олинган.

Натижада “Махсусюктранс” МЧЖнинг шахсий ҳисобварақасида 2022 йиллик юридик шахсларнинг мол-мулкига солиқ бўйича бўнақ тўловлари нотўғри шаклланиб 808 955 555,17 сўмни ташкил этган.

Шу муносабат билан “Ангрен логистика маркази” АЖ 2023 йил 16 январь куни LC/13-сонли хат билан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитасига мурожаат қилиб, унда қуйидаги ишларни амалга оширишни сўралган:

1. Ангрен шаҳар давлат солиқ инспекциясидан солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтган “Махсусюктранс” МЧЖнинг Ангрен шаҳар давлат солиқ инспекцияси маълумотлар базасидаги шахсий ҳисобварақасида 2022 йил 1 ноябрь ҳолатига тегишли бўлган солиқ турлари бўйича белгиланган тартибда шахсий ҳисобварақаларидаги мавжуд қолдиқ қиймати суммаларини текшириш ва тегишли ўзгартишлар киритиш учун “Махсусюктранс” МЧЖнинг шахсий ҳисобварақасини қайта тиклашни ва шахсий кабинетига кириш учун имконият яратиб беришни;

2. “Ангрен логистика маркази” АЖга қўшиб олинган “Махсусюктранс” МЧЖ (ИНН: 300759193) 2022 йил 1 январь ҳолатига қўшилган қиймат солиқ тўловчиси бўлганлиги учун 2022 йил 17 январь куни Тошкент вилояти Охонгарон тумани давлат солиқ инспекциясига 2022 йиллик юридик шахсларнинг мол-мулкига солиқ бўйича бўнақ тўловларини ҳисоблаш бўйича чорақлар кесимида нотўғри топширган ҳисоботини бекор қилишни;

3. “Махсусюктранс” МЧЖ томонидан 2022 йил 17 январь куни Тошкент вилояти Охонгарон тумани давлат солиқ инспекциясига 2022 йиллик юридик шахсларнинг мол-мулкига солиқ бўйича бўнақ тўловларини ҳисоблаш бўйича чорақлар кесимида нотўғри топширган ҳисоботига асосан 2022 йил учун ҳисобланган ва олдиндан тўланган бўнақлардан ечиб олинган 445 985 942,67 сўмни “Махсусюктранс” МЧЖ шахсий ҳисобварақасига қайтаришни;

4. “Махсусюктранс” МЧЖга Ангрен шаҳар давлат солиқ инспекцияси маълумотлар базасидаги шахсий ҳисобварақасида 2022 йил 1 ноябрь ҳолатига тегишли бўлган солиқ турлари бўйича белгиланган тартибда шахсий ҳисобварақаларидаги мавжуд қолдиқ қиймати суммасини Ангрен шаҳар давлат солиқ инспекциясидан солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтган “Ангрен логистика маркази” АЖнинг шахсий ҳисобварақасига ўтказиб беришни.

Бундан ташқари, “Ангрен логистика маркази” АЖга “Махсусюктранс” МЧЖни қўшиб олинганлиги натижасида вужудга келган мажбуриятни бажариш учун “Махсусюктранс” МЧЖ томонидан 2022 йиллик Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун тўланадиган ер солиқ ҳисоб-китоби текширилганида қуйидагилар аниқланган:

1. “Ангрен логистика маркази” АЖга қўшиб олинган “Махсусюктранс” МЧЖ (ИНН: 300759193) 2022 йил 1 январь ҳолатига қўшилган қиймат солиқ тўловчиси бўлган. 2022 йил 20 январь куни Тошкент вилояти Охонгарон тумани давлат солиқ инспекциясига 2022 йиллик Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун тўланадиган ер солиқ ҳисоб-китоби бўйича тақдим этилган ҳисоботида ойлар кесимида 51 649 031,61 сўмдан, жами 2022 йил учун 619 788 379,32 сўм тўлов амалга оширилиши белгиланган.

2. “Ангрен логистика маркази” АЖга қўшиб олинган “Махсусюктранс” МЧЖ (ИНН: 300759193) жойлашган юридик манзили Охонгарон туманидан Ангрен шаҳрига маъмурий бўйсинувга ўтганлиги муносабати билан 2022 йил 4 август куни қайтадан Тошкент вилояти Ангрен шаҳар давлат солиқ

инспекциясига 2022 йиллик Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун тўланадиган ер солиқ ҳисоб-китоби бўйича тақдим этилган ҳисоботини ойлик кесимида 2022 йил январь-апрель ойлари учун 93 498 312,00 сўмдан, май ойи учун 46 247 112,00 сўм, июнь-октябрь ойлари учун 56 344 398,12 сўмдан, жами 814 651 146,84 сўм тўлов амалга оширилиши тўғрисида нотўғри тўлдириб топширган.

Ҳисоботни “Солиқ тўловчининг қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари тўғрисида маълумот” деб номланган иловасини “Солиқ тўловчининг ер участкаси бўйича” деб номланган 010 сатрида ер майдони 19,0791 гектар деб тўғри кўрсатилган.

Бироқ “Ер майдонларидан ҳужжатларсиз ёхуд ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилганидан каттароқ ҳажмда фойдаланилган ер участкалари” деб номланган 030 сатрда 2022 йилда ер участкаси ҳуқуқи пайдо бўлган ер майдони 4 гектар, 2022 йилда ер участкаси ҳуқуқи бекор қилинган ер майдони 4 гектар деб нотўғри тўлдирилганлиги натижасида 189 004 800 сўм миқдорда қўшимча солиқ тўлови вужудга келган.

Бунга сабаб, Ангрен шаҳар кадастр бўлими томонидан солиқ базасига “Махсусюктранс” МЧЖга 2022 йил 7 май куни берилган Автокорхона учун УҚ-1727407/1353543 - рақамли ва 2022 йил 17 май куни берилган Контейнер майдони учун УҚ-1727407/1374677 - рақамли Нотурар жой тоифасидаги кўчмас мулк объектининг кадастр паспортлари киритилмаган ва солиққа тортиладиган базани ҳисоб-китоби нотўғри шакллантирилган.

3. Солиқ базасида 2022 йил 19 декабрь куни “Ангрен логистика маркази” АЖга “Махсусюктранс” МЧЖдан қабул қилиб олинган Контейнер майдони учун 17274407/1886963-рақамли, Автокорхона учун УҚ-17274407/1886964-рақамли Нотурар жой тоифасидаги кўчмас мулк объектининг кадастр паспортлари ўрнига жамиятга қўшиб олинган “Махсусюктранс” МЧЖга 2014 йил 2 декабрь куни берилган Автокорхона учун 11:16:02:03:03:0303 - рақамли ва 2019 йил 27 ноябрь куни берилган Контейнер майдони учун 11:16:02:03:03:0305 - рақамли Нотурар жой тоифасидаги кўчмас мулк объектининг кадастр паспортлари нотўғри киритилган.

4. 2022 йил 1 январдан 2022 йил 1 апрелга қадар “Махсусюктранс” МЧЖ юридик манзили маъмурий бўйсунув бўйича жойлашган ҳудуди Охангарон тумани бўлганлиги учун 2022 йил 20 январь куни Тошкент вилояти Охангарон тумани давлат солиқ инспекциясига 2022 йиллик Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун тўланадиган ер солиқ ҳисоб-китоби бўйича тақдим этилган ҳисоботида асосан январь-апрель ойлари учун ойлар кесимида 51 649 031,61 сўмдан, жами 206 596 126,44 сўм, 2022 йил 1 майдан 2022 йил 31 декабрга қадар “Махсусюктранс” МЧЖ юридик манзили маъмурий бўйсунув бўйича жойлашган ҳудуди Ангрен шаҳар бўлганлиги учун 2022 йил 4 август куни Тошкент вилояти Ангрен шаҳар давлат солиқ инспекциясига 2022 йиллик Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун тўланадиган ер солиқ ҳисоб-китоби бўйича тақдим этилган ҳисоботида асосан май-декабрь ойлари учун ойлар кесимида 56 344 398,12 сўмдан, жами 450 755 184,96 сўм, 2022 йил учун 657 351 311,40 сўм ер солиғи тўлаши, ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилганидан каттароқ ҳажмда фойдаланилган деб 4 гектар ер майдони учун нотўғри ҳисобланган ва олдиндан тўланган бўнақлардан ечиб олинган 189 004 800 сўмни “Махсусюктранс” МЧЖ шахсий ҳисобварақасига қайтарилмаган.

Шу муносабат билан “Ангрен логистика маркази” АЖ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитасига 2023 йил 26 январь куни LC/21-сонли хат билан мурожаат қилиб, унда қуйидаги ишларни амалга оширишни сўралган:

1. “Ангрен логистика маркази” АЖга қўшиб олинган “Махсусюктранс” МЧЖ (ИНН: 300759193) жойлашган юридик манзили Охангарон туманидан Ангрен шаҳрига маъмурий бўйсинувга ўтганлиги муносабати билан 2022 йил 4 август куни қайтадан Тошкент вилояти Ангрен шаҳар давлат солиқ инспекциясига 2022 йиллик Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун тўланадиган ер солиқ ҳисоб-китоби бўйича тақдим этилган ҳисоботини бекор қилишни;

2. 2022 йил 1 январдан 2022 йил 1 майга қадар “Махсусюктранс” МЧЖ юридик манзили маъмурий бўйсунув бўйича жойлашган ҳудуди Охангарон тумани бўлганлиги учун 2022 йил 20 январь куни Тошкент вилояти Охангарон тумани давлат солиқ инспекциясига 2022 йиллик Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун тўланадиган ер солиқ ҳисоб-китоби бўйича тақдим этилган ҳисоботига асосан январь-апрель ойлари учун ойлар кесимида 51 649 031,61 сўмдан, жами 206 596 126,44 сўм, 2022 йил 1 майдан 2022 йил 31 декабрга қадар “Махсусюктранс” МЧЖ юридик манзили маъмурий бўйсунув бўйича жойлашган ҳудуди Ангрен шаҳар бўлганлиги учун 2022 йил 4 август куни Тошкент вилояти Ангрен шаҳар давлат солиқ инспекциясига 2022 йиллик Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун тўланадиган ер солиқ ҳисоб-китоби бўйича тақдим этилган ҳисоботига асосан май-декабрь ойлари учун ойлар кесимида 56 344 398,12 сўмдан, жами 450 755 184,96 сўм, 2022 йил учун 657 351 311,40 сўм ер солиғи тўланиши лозимлиги, ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилганидан каттароқ ҳажмда фойдаланилганлиги кўрсатилган 4 гектар ер участкалари амалда мавжуд эмаслиги муносабати билан “Махсусюктранс” МЧЖнинг Ангрен шаҳар давлат солиқ инспекцияси маълумотлар базасидаги шахсий ҳисобварақасида 2022 йил 1 ноябрь ҳолатига тегишли бўлган солиқ турлари бўйича белгиланган тартибда шахсий ҳисобварақаларидаги мавжуд қолдиқ қиймати суммаларини қайта текшириб аниқлик киритишни;

3. “Махсусюктранс” МЧЖ томонидан 2022 йил 4 август куни Тошкент вилояти Ангрен шаҳар давлат солиқ инспекциясига 2022 йиллик Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун тўланадиган ер солиқ ҳисоб-китоби бўйича тақдим этилган нотўғри топширган ҳисоботига асосан ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилганидан каттароқ ҳажмда фойдаланилган деб 4 гектар ер майдони учун нотўғри ҳисобланган ва олдиндан тўланган бўнақлардан ечиб олинган 189 004 800 сўмни “Махсусюктранс” МЧЖ шахсий ҳисобварақасига қайтаришни;

4. “Махсусюктранс” МЧЖга Ангрен шаҳар давлат солиқ инспекцияси маълумотлар базасидаги шахсий ҳисобварақасида 2022 йил 1 ноябрь ҳолатига тегишли бўлган солиқ турлари бўйича белгиланган тартибда шахсий ҳисобварақаларидаги мавжуд қолдиқ қиймати суммасини Ангрен шаҳар давлат солиқ инспекциясидан солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтган “Ангрен логистика маркази” АЖнинг шахсий ҳисобварақасига ўтказиб беришни;

5. Солиқ базасига 2022 йил 19 декабрь куни “Ангрен логистика маркази” АЖга Ангрен шаҳар Давлат хизматлари маркази томонидан “Махсусюктранс” МЧЖдан қабул қилиб олинган Контейнер майдони учун 17274407/1886963-

рақамли, Автокорхона учун UK-17274407/1886964-рақамли Нотурар жой тоифасидаги кўчмас мулк объектининг кадастр паспортларини янгидан киритилиши устидан назорат ўрнатишни.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ кўмитасига юборилган мурожаатлар ўз самарасини бермаганлиги муносабати билан Тошкент вилояти солиқ бошқармасига “Ангрен логистика маркази” АЖнинг шахсий кабинети орқали 2023 йил 6 февраль куни 1985364-2023-сонли ва 1985190-2023-сонли хат билан “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2022 йил учун топширган мол-мулк ва ер солиғи бўйича камерал солиқ текшируви тайинлаш ва ўтказишни сўраб мурожаат қилинган.

Тошкент вилояти солиқ бошқармаси томонидан 2023 йил 10 февраль куни “Камерал солиқ текширувини ўтказиш ҳақида”ги 20/00909-kt-сонли, 2023 йил 19 февраль куни “Тошкент вилояти солиқ бошқармасининг 2023 йил 10 февралдаги 20/00909-kt-сонли буйруғига ўзгартиш киритиш ҳақида”ги 201-011149-kt-сонли буйруқлари чиқарилиб, 2023 йил 4 майга қадар камерал солиқ текшируви ўтказилган. Тошкент вилояти солиқ бошқармаси томонидан 2023 йил 5 май куни 20/1-45963-сонли хат билан камерал солиқ текширувида тафовудлар ва (ёки) хатолар аниқланмаганлиги тўғрисида хабарнома берилган.

Б.Абдураимов, Тошкент вилояти солиқ бошқармасининг камерал солиқ текшируви ўтказган бош мутахассиси Б.Туракулов “Ангрен логистика маркази” АЖ томонидан мурожаатда қайд этилган масалалар камерал солиқ текшируви хулосасида қайд этилган бўлсада, камерал солиқ текшируви ўтказиш тўғрисида тасдиқланган низомда солиқ суммасини камайтириш учун камерал солиқ текшируви хулоса бериши тўғрисида норма мавжуд эмаслиги, шунинг учун “Ангрен логистика маркази” АЖ қонунчиликда белгиланган тартибда солиқ аудит текширувини тайинлаш тўғрисида мурожаат қилиши мумкинлигини, ушбу ҳолатда “Ангрен логистика маркази” АЖ ва унга кўшиб олинган “Махсусюктранс” МЧЖнинг охириги беш йиллик молиявий фаолиятини аудит текширувидан ўтказиш белгиланиши тўғрисида тушунча берганини маълум қилди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 4

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – 1

5. Кун тартибидаги “2022 йил учун корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари ва корпоратив бошқарув кодекси талаблари ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш тўғрисида”ги бешинчи масала юзасидан А.Саъдуллаев сўзга чиқиб, 2016 йилда Жамият томонидан “Корпоратив бошқарув кодекси” жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги, 2022 йил учун “Ангрен логистика маркази” АЖда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш ўтказилганлиги, аудиторлик ташкилоти томонидан “Ангрен логистика маркази” АЖнинг бу борадаги фаолияти қоникарли даражада баҳоланганлиги тўғрисида хулоса берилганлигини маълум қилди ва “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2022 йилдаги корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича фаолиятини қоникарли даражада деб топиш тўғрисида таклиф киритди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 4

Қаршилар – йўқ

6. Кун тартибидаги “Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ мажбурий аудит текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларини молиялаштириш миқдорини белгилаш тўғрисида”ги олтинчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, жамиятнинг 2023 йилдаги фаолияти юзасидан халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ мажбурий аудит текшируви ўтказиш бўйича қуйидаги аудиторлик ташкилотларидан тижорат таклифлари келиб тушганлигини маълум қилди:

1. “ABS FINANS AUDIT” МЧЖ контракт суммаси 31 360 000 сўм
2. “AUDIT-RUMANS” МЧЖ контракт суммаси 37 000 000 сўм
3. “КОНСАУДИТИНФОРМ” МЧЖ контракт суммаси 36 800 000 сўм
4. “AUDIT-VARIN” МЧЖ контракт суммаси 25 000 000 сўм

3.Холжуманова жамиятнинг 2023 йилдаги фаолияти юзасидан халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ мажбурий аудит текширувини ўтказиш учун “AUDIT-VARIN” МЧЖ аудиторлик ташкилотини танлаш, контракт суммасини 25 000 000 сўм қилиб белгилаш тўғрисида таклиф киритди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 4

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – 1

7. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ ички аудит хизмати тўғрисида”ги низомини тасдиқлаш тўғрисида”ги еттинчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб қуйидагиларни маълум қилди:

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг “Жамиятнинг ички аудит хизмати” деб номланган 108-моддасида активларининг баланс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилиши белгиланган.

Жамият кузатув кенгашининг 2022 йил 29 ноябрдаги 3-сонли баёнига асосан “Ангрен логистика маркази” АЖнинг ички аудит хизматини ташкил этилган, ички аудит хизмати ходимлар сони бир нафар этиб белгиланган ва 000667-сонли ички аудиторлик сертификатига эга аудитор С.Нуртаев билан белгиланган тартибда солиқ тўловларини ҳисобга олмаганда 2 000 000 сўм миқдорда ҳар ой тўланадиган иш ҳақи эвазига жамиятнинг 2023 йилги ички аудит хизматини амалга ошириш учун меҳнат келишуви расмийлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-128-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматини янада ривожлантириш ҳамда уларнинг фаолиятини тартибга солишни такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 августдаги “Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизмати тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 416-сонли қарори қабул қилинган.

С.Нуртаев, ушбу намунавий низом асосида “Ангрен логистика маркази” АЖ ички аудит хизмати тўғрисида”ги низоми лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги тўғрисида

маълумот бериб, кузатув кенгаши аъзоларидан ушбу низомни тасдиқлаб беришларини сўради (“Ангрен логистика маркази” АЖ ички аудит хизмати тўғрисида”ги низоми лойиҳаси илова қилинади.).

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 4

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – 1

8. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ ички аудит хизматининг 2023 йил учун иш режаси ва харажатлар сметасини тасдиқлаш тўғрисида”ги саккизинчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, “Ангрен логистика маркази” АЖ ички аудитори С.Нуртаев томонидан тақдим этилган 2023 йил учун иш режаси ва харажатлар сметасини атрофлича кўриб чиқиб тасдиқлаб беришларини сўради (Ички аудит хизматининг 2023 йил учун иш режаси ва харажатлар сметаси лойиҳаси илова қилинади).

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 4

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – 1

9. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ ижро органининг 2023 йил биринчи чоракдаги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида”ги тўққизинчи масала юзасидан А.Хайдаров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги 1013-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат иштирокидаги корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолати таҳлилини ўтказиш Регламенти”га асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2023 йил биринчи чоракдаги молиявий ҳолати таҳлил қилинганлигини ва Давлат активларини бошқариш агентлигини веб-сайтига (kpi.davaktiv.uz) жойлаштирилган жамият ижроия органининг самарадорлик муҳим кўрсаткичи (СМК) 90,8 фозни, яъни етарли даражада ташкил этганлиги қайд этилган бўлсада, жамиятнинг паст рентабеллиги, асосий воситалари эскирганлиги, айланма маблағга эга эмаслиги аниқланганлиги тўғрисида маълумот берди ва шу муносабат билан жамият ижроия органининг 2023 йил биринчи чорак яқунлари бўйича ҳисоботини танқидий кўриб чиқишни таклиф қилди.

Б.Абдураимов сўзга чиқиб, “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2023 йил биринчи чорак яқунлари бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари тўғрисида қуйидагиларни маълум қилди:

- жами даромад 1 918 537 минг сўмни ташкил этган ва ўтган йилнинг мос даврига (105 652 минг сўм) нисбатан 1 812 885 минг сўмга (1715,9 фоз) кўпайган, (2 840 155 минг сўм) режа 67,5 фозга бажарилган;

- маҳсулотлар таннархи 859 354 минг сўмни ташкил этган ёки таннарнинг соф тушумдаги улуши 58,7 фозни ташкил этган;

- давр харажатлари 653 726 минг сўмни ташкил этган ва ўтган йилнинг мос даврига (58 583 минг сўм) нисбатан 595 143 минг сўмга (1015,8 фоз) кўпайган, белгиланган (527 802 минг сўм) режа 123,8 фозни ташкил этган;

- соф фойда 344 639 минг сўми ташкил этган ва ўтган йилнинг мос даврига (42 303 минг сўм) нисбатан 302 336 минг сўмга (714,6 фоиз) кўпайган, белгиланган (592 764 минг сўм) режа 58,1 фоизга бажарилган;

- дебиторлик қарздорлиги 21 825 532 минг сўми ташкил этган ва йил бошига (21 362 880 минг сўм) нисбатан 462 652 минг сўмга (2,1 фоизга) кўпайган;

- кредиторлик қарздорлиги 1 107 988 минг сўми ташкил этган ва йил бошига (622 251 минг сўм) нисбатан 485 737 минг сўмга (78 фоизга) кўпайган.

■ Масала кўриб чиқиб овозга кўйилди.

Розилар – 4

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – 1

10. Кун тартибдаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2023 йилги бизнес-режасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ўнинчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2023 йил 26 апрелдаги 03/09-5-17/1580-сонли хатига мувофиқ “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2023 йил учун тасдиқланган бизнес-режасини энергетик эҳтиёжларни қайта тикланувчи энергия манбалари, жумладан қуёш панеллари ўрнатиш ҳисобидан ва табиий газдан фойдаланишни кўмирга ўтказишни таъминлаш бўйича лойиҳаларни амалга оширилишини инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқиб, бизнес-режага тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш учун лойиҳа ишлаб чиқилганлиги, бизнес-режани харажатлар сметаси тайёрланганлигини маълум қилди.

“Ангрен логистика маркази” АЖни энергетик эҳтиёжларни қайта тикланувчи энергия манбалари, жумладан 495 КВТ қувватга эга бўлган қуёш панеллари ўрнатиш ҳисобидан кондириш учун ҳар бири 539 000 минг сўмлик 55 КВТ қувватга эга бўлган жами 9 дона қуёш панелларини 4 851 000 минг сўмга-харид қилиниши лозим.

“Ангрен логистика маркази” АЖ 2023 йилни биринчи чорагида бизнес-режани 58,9 фоизга бажариб, 344 639 минг сўм соф фойда кўрган бўлсада, 2023 йил учун тасдиқланган бизнес-режада жами 1 423 986 минг сўм соф фойда олиш режалаштирилган.

“Ангрен логистика маркази” АЖ 2023 йилнинг учинчи ва тўртинчи чорагида қуёш панелларини белгиланган тартибда харид қилиб ўрнатишни ташкиллаштириш учун ташқи қарз, кредитларни жалб қилиш имконияти мавжуд эмас. 2023 йилнинг биринчи чораги якунлари бўйича ташқи қарзларни жалб қилиш, улардан фойдаланиш ва уларнинг миқдорини мақбуллаштириш устидан амалга оширилган тахлилий кўрсаткичларда ташқи қарз жал қилиш учун белгиланган 100 баллик тизимда “Ангрен логистика маркази” АЖ тўплаган бали 60 балдан паст, яъни 47 бални ташкил қилганлиги муносабати билан ташқи қарз жалб қилишда хавфлилик даражаси юқори деб баҳоланган.

“Ангрен логистика маркази” АЖ ўз маблағлари ҳисобидан қуёш панелларини 4 851 000 минг сўмга харид қилиб ўрнатилса, 2023 йилни 3 425 438 минг сўм зарар билан якунлаши кутилмоқда.

Шу муносабат билан қуёш панеллари ўрнатиш учун сарф-харажатларини амалга ошириш учун молиялаштириш манбалари мавжуд эмаслигини инобатга олиб, “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2023 йил учун тасдиқланган бизнес-

режасини ўзгаришсиз қолдириш ва жамиятнинг келгуси йилларда бизнес-режаларини ишлаб чиқишда қайта тикланувчи энергия манбалари улушини ошириб бориш ва ушбу ишларни амалга ошириш учун харажатларни бизнес-режада инобатга олган ҳолда ижросини таъминлашга эътибор қаратиш тўғрисида таклиф киритди.

А.Тугизбаев, “Ангрен логистика маркази” АЖ томонидан қуёш панеллари ўрнатиш учун амалга ошириладиган сарф-харажатларни молиялаштириш манбаларини мавжуд эмаслигини муносабати билан 2023 йил учун тасдиқланган бизнес-режасини ўзгаришсиз қолдириш ва “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгашининг навбатдаги йиғилиши муҳокамасига энергетик эҳтиёжларни қайта тикланувчи энергия манбалари, жумладан қуёш панеллари ўрнатиш ҳисобидан ва табиий газдан фойдаланишни кўмирга ўтказишни таъминлаш бўйича асослантирилган лойиҳаларни тайёрлаш ва уларни молиялаштириш манбалари тўғрисидаги таклиф ва таҳлилий маълумотлар тайёрлаб киритиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида фикр-мулоҳаза билдирди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 4

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – 1

11. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш тўғрисида”ги ўн биринчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, “Акциядорлик жамияти ва акциядорларни ҳуқуқини ҳимоя тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 58-моддасида жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини чақириш, ўтказиш санаси, вақти ва жойини белгилаш жамиятнинг кузатув кенгаши ваколатига киритилганлиги муносабати билан қуйидаги таклифларни билдирди:

акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган сана – **2023 йил 26 июнь;**

акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган вақт – **соат 11:00;**

йиғилиш иштирокчиларини рўйхатдан ўтказишни бошланиш вақти – **соат 10:00;**

акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган жойи – Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли, 45-уй.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 4

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – 1

12. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини кун тартибини тайёрлаш тўғрисида”ги ўн иккинчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши жамият уставида белгиланган муддатларда, аммо молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилиши белгиланганлигини қайд этиб, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси

қонунининг “Акциядорларнинг умумий йиғилиши” деб номланган 58-моддасини саккизинчи қисмида барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлган жамиятда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмаслиги, ушбу Қонун ва жамиятнинг устави билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан яқка тартибда қабул қилиниши ва ёзма шаклда расмийлаштирилиши лозимлиги, бироқ акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш муддатларига тааллуқли қоидалар бундан мустасно эканлиги белгиланганлигини инобатга олиб, “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини кун тартибига қуйидаги масалаларни киритишни таклиф қилди:

1.	“Ангрен логистика маркази” АЖ санок комиссиясини тасдиқлаш тўғрисида.
2.	“Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш регламентини тасдиқлаш тўғрисида.
3	“Ангрен логистика маркази” АЖ ижро органининг 2022 йилги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.
4.	“Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2022 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича аудиторлик ташкилотининг ҳулосасини тасдиқлаш тўғрисида.
5.	“Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2022 йил учун йиллик молиявий аҳволи тўғрисидаги ҳисоботни, жамиятнинг фойда ва зарарини, бухгалтерия балансини тасдиқлаш тўғрисида.
6.	2022 йил учун корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари ва корпоратив бошқарув кодекси талаблари ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш тўғрисида.
7	Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ мажбурий аудит текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларини молиялаштириш миқдорини белгилаш тўғрисида.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 4

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – 1

13. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш ва умумий йиғилишда иштирок этувчи акциядорлар реестрини ёпилиш санасини белгилаш тўғрисида”ги ўн учинчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, акциядорлар реестрини ёпиш санаси бўйича қуйидаги таклифларни киритди:

акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш реестрини ёпилиш санаси – 2023 йил 1 июнь;

акциядорларининг йиллик умумий йиғилишда иштирок этувчи акциядорлар реестрини ёпилиш санаси – 2023 йил 20 июнь;

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 4

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – 1

14. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида акциядорларни хабардор қилиш ва уларга тарқатиладиган ҳужжатлар тўпламини тасдиқлаш тўғрисида”ги ўн тўртинчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, жамият акциядорларини акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабардор қилиш учун www.openinfo.uz, жамиятнинг www.clangren.uz расмий веб-сайтида акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақидаги эълонларни жойлаштириш, акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига киритилган масалалар ва уларга оид тайёрланган тарқатма ҳужжатлар тўпламини “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг расмий электрон манзилларига жамиятнинг www.clangren@br.ru электрон манзил орқали юборишни таклиф қилди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 4

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – 1

15. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида овоз бериш бюллетенларини шакли ва матнларини тасдиқлаш тўғрисида”ги ўн бешинчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига киритилган масалалар бўйича овоз бериш учун тайёрланган бюллетенларни шакли ва матнларини кўриб чиқиб тасдиқлашни таклиф қилди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 4

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – 1

16. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ санок комиссиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ўн олтинчи масала юзасидан А.Хайдаров сўзга чиқиб, қуйидаги номзодларни санок комиссияси таркибига киритишни таклиф қилди:

1. Джуманиязова Равшаной Калбаевна - Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг мутахассиси

2. Турсункулов Шухратжон Ибрагим ўғли - Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг мутахассиси

3. Ғайбуллаев Раҳматилло Мирзаолим ўғли - Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг мутахассиси

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 4

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – 1

Юқорида баён қилинганларга асосан “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. “Ангрен логистика маркази” АЖ ижро органининг 2022 йилги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида”ги масалани “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига киритилсин.

2. “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2022 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича аудиторлик ташкилотининг хулосасини тасдиқлаш тўғрисида”ги масалани “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига киритилсин.

3. “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2022 йил учун йиллик молиявий аҳволи тўғрисидаги ҳисоботни, жамиятнинг фойда ва зарарини, бухгалтерия балансини тасдиқлаш тўғрисида”ги масалани “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига киритилсин.

4. “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2022 йилни зарар билан яқунлагани маълумот учун қабул қилинсин ва қуйидаги ишлар амалга оширилсин.

- Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитасига “Ангрен логистика маркази” АЖ қўшиб олинган “Махсусюктранс” МЧЖ томонидан 2022 йилда нотўғри топширилган ер ва мол-мулк солиқ ҳисоботлари оқибатида ортиқча тўланган солиқ тўловларини жамиятга қайтариш учун аудит солиқ текшируви ўтказишни сўраб мурожаат қилинсин;

- Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитасига Солиқ қўмитаси томонидан “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2021 йилги олган 171 877 минг сўм соф даромадидан тааллуқлилиги бўйича “Ўзавтасаноат” АЖ (44,17% акция) ва “Нефтегаздепозит” МЧЖ (0,48% акция)га тўланган дивидендларни инобатга олинмасдан 2022 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида давлат улушлари бўйича давлат унитар корхоналарининг соф фойдасидан ажратмалар(165-код)га ва дивиденд тариқасида олинган даромадлар(35-код)га қўшимча давлат улуши бўйича ундирилган 41 627 193,14 сўм дивидендни ва “Махсусюктранс” МЧЖнинг 2021 йил олган даромадидан “Ангрен логистика маркази” АЖ олган дивиденддан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 26 августдаги 204-сонли хизматда фойдаланиш учун тасдиқланган баёни талабларини бажариш мақсадида давлат улуши бўйича дивидендга ундирилган 263 234 070 минг сўмни белгиланган тартибда қайтаришни сўраб талабнома юборилсин ва тааллуқлилиги бўйича ушбу масалани кўриб чиқиш учун иқтисодий судга даъво аризалари киритиш чораси кўрилсин.

5. “2022 йил учун корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари ва корпоратив бошқарув кодекси талаблари ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш тўғрисида”ги масалани “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига киритилсин.

6. “Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ мажбурий аудит текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларини молиялаштириш миқдорини белгилаш тўғрисида”ги масалани “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига киритилсин.

7. “Ангрен логистика маркази” АЖ ички аудит хизмати тўғрисида”ги низоми тасдиқлансин.

8. “Ангрен логистика маркази” АЖ ички аудит хизматининг 2023 йил учун иш режаси ва харажатлар сметаси тасдиқлансин.

9. “Ангрен логистика маркази” АЖ ижроия органининг 2023 йил биринчи чорак яқунлари бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин. Жамият ижроия органи:

- 2023 йил биринчи чоракдаги фаолияти яқунларини ўз мажлисларида танқидий кўриб чиқсин ва 2023 йилнинг иккинчи чорагига белгиланган Бизнес-режа кўрсаткичларини тўлиқ ижросини таъминласин;

- 2023 йилнинг иккинчи чорагига белгиланган Бизнес-режа кўрсаткичларининг тўлиқ бажарилиши учун жавобгарлик шахсан “Ангрен логистика маркази” АЖ Бош директори Б.Абдураимов зиммасига юклатилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2023 йил 26 апрелдаги 03/09-5-17/1580-сонли хати ижро учун қабул қилинсин.

“Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2023 йил учун тасдиқланган бизнес-режаси энергетик эҳтиёжларни қайта тикланувчи энергия манбалари, жумладан қуёш панеллари ўрнатиш ҳисобидан ва табиий газдан фойдаланишни кўмирга ўтказишни таъминлаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун молиялаштириш манбалари мавжуд эмаслигини ҳамда жамиятнинг молиявий аҳволини инобатга олиб ўзгаришсиз қолдирилсин.

“Ангрен логистика маркази” АЖ қузатув кенгашининг навбатдаги йиғилиши муҳокамасига энергетик эҳтиёжларни қайта тикланувчи энергия манбалари, жумладан қуёш панеллари ўрнатиш ҳисобидан ва табиий газдан фойдаланишни кўмирга ўтказишни таъминлаш бўйича асослантилган лойиҳаларни тайёрлаш ва уларни молиялаштириш манбалари тўғрисидаги таклиф ва таҳлилий маълумотлар тайёрлаб киритилсин.

Жамиятнинг келгуси йилларда бизнес-режаларини ишлаб чиқишда қайта тикланувчи энергия манбалари улушини ошириб бориш ва ушбу ишларни амалга ошириш учун бизнес-режада молиялаштириш манбалари ва ушбу ишларни амалга ошириш муддатларини аниқ кўрсатилишига эътибор қаратилсин.

11. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши чақирилсин.

“Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни қуйидагича белгилансин:

акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган сана – 2023 йил 26 июнь;

акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган вақт – соат 11:00;

йиғилиш иштирокчиларини рўйхатдан ўтказишни бошланиш вақти – соат 10:00;

акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган жойи – Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли, 45-уй.

12. “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши кун тартиби тасдиқлансин:

1.	“Ангрен логистика маркази” АЖ санок комиссиясини тасдиқлаш тўғрисида.
2.	“Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш регламентини тасдиқлаш тўғрисида.
3.	“Ангрен логистика маркази” АЖ ижро органининг 2022 йилги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.

4.	“Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2022 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича аудиторлик ташкилотининг хулосасини тасдиқлаш тўғрисида.
5.	“Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2022 йил учун йиллик молиявий аҳволи тўғрисидаги ҳисоботни, жамиятнинг фойда ва зарарини, бухгалтерия балансини тасдиқлаш тўғрисида.
6.	2022 йил учун корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари ва корпоратив бошқарув кодекси талаблари ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш тўғрисида.
7.	Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ мажбурий аудит текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларини молиялаштириш миқдорини белгилаш тўғрисида.

13. Акциядорларининг реестрини ёпилиш санаси куйидагича белгилансин:

- акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш реестрини ёпилиш санаси – 2023 йил 1 июнь;

- акциядорларининг йиллик умумий йиғилишда иштирок этувчи акциядорлар реестрини ёпилиш санаси – 2023 йил 20 июнь.

14. Жамият акциядорларини акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабардор қилиш учун www.openinfo.uz, жамиятнинг www.clangren.uz расмий веб-сайтида акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақидаги эълонларни жойлаштириш, акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига киритилган масалалар ва уларга оид тайёрланган тарқатма ҳужжатлар тўрламини “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг расмий электрон манзилларига жамиятнинг www.clangren@br.ru электрон манзил орқали юборилсин.

15. Акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига киритилган масалалар бўйича овоз бериш учун тайёрланган бюллетен тасдиқлансин.

16. “Ангрен логистика маркази” АЖ саноқ комиссиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги масалани “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши кун тартибига киритилсин.

Кузатув кенгаши раиси

Кузатув кенгаши аъзоси

Кузатув кенгаши аъзоси

Кузатув кенгаши аъзоси

Кузатув кенгаши аъзоси



[Handwritten signature]

Ж.Синдаров

[Handwritten signature]

А.Тугизбаев

[Handwritten signature]

А.Хайдаров

[Handwritten signature]

К.Жуланов

З.Мирзаев

Баённома имзоланган сана: 2023 йил ___ июнь